



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «19» Март

№ 605а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Бобожонов Қобулнинг
турар жой биносига бўлган эгалик
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Тозабозор” маҳалласида яшовчи фуқаро Бобожонов Қобулнинг “Тозабозор” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 12 февралдаги ХО-Б-462-сонли аризасини, “Тозабозор” маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2019 йил 20 августдаги 4698-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:


1. Боғот тумани “Тозабозор” маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 95,62 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 126,65 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 222,27 квадрат метр, қурилиш ости майдони 372,23 квадрат метр, умумий ер майдони 1342,2 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Бобожонов Қобулга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Бобожонов Қобулга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Бобожонов Қобулга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев